

“ТАСДИҚЛАНДИ”

**“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари
қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”
УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
бошқаруви, харид комиссиясининг раиси**

Ю.А.Менглиев

2022 йил



Қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ишлари бажарувчи пудрат ташкилотларига талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Термиз - 2022 йил

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети

Харид комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-46-сонли Қарорининг “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низоми талаблари тавсиявий амалга оширилади.

Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказиш очик турда бўлиб, қурилиш таъмирлаш ишларини амалга ошириш ишлари бажариш бўйича танлашни ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: 1 комплект

Хизматларнинг максимал нархи: энг яхши таклифларни танлаб олишга қўйилган нарх қўшимча қиймат солиғи билан мазкур объектнинг “Шаҳарсозлик хужжатари экспертизаси” ДУК Сурхондарё вилояти филиали томонидан берилган экспертиза хулосасидаги қийматни ташкил қилади.

Ишлар танлов хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган лойиҳа-смета талабларига биноан бажарилиши лозим.

Қурилиш давомийлиги: Экспертиза хулосасида белгиланган муддат.

Марказлашган маблағлари ҳисобидан лойиҳа-смета хужжатлари асосида қурилиш монтаж ишларини амалга оширишувчи пудрат ташкилотини аниқлаш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказишдан мақсад – мазкур объектни лойиҳа-смета хужжатлари асосида қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотини аниқлаш.

Буюртмачи – “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

Манзили: 100190, Термизш. Тараққиёт кўчаси 2 уй

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Компаниянинг молиялаштириш, маркетинг бўлими бош мутахассиси Раимов Улуғбек Сапарович.

Тел.: (90) 747-46-48

I Давлат буюртмачиси

Мустақил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини белгилаш, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

Давлат харидларини амалга оширишда ўз расмий веб-сайтига ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш;

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлашни ўтказишда давлат харидлари тўғрисидаги шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузиш ва (ёки) шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган закат ёки банк кафолатини киритишни талаб қилиш;

Харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириш;

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мувожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат харидларини режалаштириши;

Қонунга мувофиқ харид қилиш тартиб-таомили турини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиши;

Қонунчиликда белгиланган тартибда давлат харидларини амалга ошириши;

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда махсус ахборот порталига жойлаштириши;

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидларининг тартиб-таомиллари билан боғлиқ сўровлари бўйича уларга қонунчиликка мувофиқ тушунтиришлар бериши;

Харид қилиш тартиб-таомилларининг ғолиб деб топилган иштирокчилари билан шартномалар тузиши, шунингдек уларнинг ижро этилишини таъминлаши;

Давлат харидларини амалга оширишда аффилиланганлик тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

Бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштириши шарт.

II Харид комиссияси

Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

харид қилиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни ўрганиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини

баҳолашни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;

III. Давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик

инсофли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида ҳолисона мезонлардан фойдаланилишини;

мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан ички мониторинг ва назорат ўтказишнинг самарали тизими яратилишини;

Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очик манбаларида эълон қилиб борилишини;

давлат харидлари тартиб-таомиллари Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

IV. Иштирокчи

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

давлат буюртмачисига муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

қонунчиликка мувофиқ (*танлаш савдоси ўрганилиши бошланишидан бир кун олдин*) тақдим этилган таклифларга узгартиришлар киритиш ва уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар бўлиши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

Иштирокчи ва унинг афилланган шахси айна битта танлаш савдосида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

V. Танлаш савдоси иштирокчисига қўйиладиган талаблар:

Таклифларни тайёрлайди ва харид комиссияси ўрганиши учун электрон (*harid.uzex.uz*) платформасига бириктиради.

Жумладан:

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳномасинусхаси ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингида мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлиши шарт;

- Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар(1-шакл);
- Ўхшаш объектларда охириги 3 (уч) йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар (2-шакл);
- Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (3-шакл);
- Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20% гача миқдоридagi айланма маблағлар мавжудлиги (4 шакл);
- машина ва механизмлари мавжудлиги (5 шакл);
- Нархга оид таклиф (6 шакл).

Талабгорлар мазкур талаблар бўйича тақдим этилган хужжатлари **1-иловага** мувофиқ баҳоланади.

Иштирокчи қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида эмаслиги, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги тўғрисида кафолат хати.

Иштирокчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

Танлаш ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг яхши таклиф берган иштирокчи ғолиб бўлади.

Захирадаги ғолиб – энг яхши таклифларни танлашда ғолибидан кейинги ўринда турган паст балл тўплаган иштирокчи.

Ғолиб бўлган талабгор билан шартнома имзоланади.

VI Танлашда қуйидаги талаблар тақдим этилмаса иштирокчиларнинг таклифлари нолга тенглаштирилади:

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳномаси нусхаси ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингда мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлари бўлмаса;

- шартномани бажариш учун олий маълумотли малакали кадрлар, зарур қурилиш техникаси ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаса;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлар мавжуд бўлса;

- аввалги буюртмаларда имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган бўлса;

VII Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- қайта ташкил қилиниш, тугалланиш, банкротлик ёки буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида бўлса;

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

VIII Давлат харидни бекор қилиш.

Давлат буюртмачиси ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат хариди бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асосланганлиги сабаблари эълон қилинади.

Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан бекор қилиш давлат буюртмачисининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида бўлган ҳоллар мустасно.

IX Махфийлик

Давлат буюртмачисининг ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими ўзининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этилади.

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.

X Танлаш ҳужжатининг таркиби

Иштирокчи унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

XI Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш

Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

Комиссияси иштирокчининг сўровига кўра Таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

XII Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

XIII Танлашда қатнашиш харажатлари

Танлашда иштирок этиш ва танлашҳужжати тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлари иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаштаклифи нархи ҳисобланади.

Танлов таклифи нархи миллий валюта лозим.

Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди(танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаштаклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

XIV Танлашда қўлланиладиган тил

Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

XV Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади. (2022 йил 1 январгача)

Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

XVI Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Иштирокчидан таклифини қатъий равишда мазкур танлаш ҳужжатлари асосида тақдим этиши лозим.

Танлаш таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлаш ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

Иштирокчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифи буюртмачи таклиф нархидан баланд ҳамда 95 фоиздан паст бўлмаган ҳолда таклифлар танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

XVII Муқобил таклифлари

Буюртмачи таклиф нархидан баланд ҳамда 95 фоиздан паст кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

XVIII Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

Танлашда қатнашиш учун иштирокчи танлаш ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун иштирокчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак. *(2022 йил 1 январгача)*

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш ва харидларни амалга ошириш 2022 йилнинг 1 январдан махсус давлат харидларининг электрон (<https://etender.uzex.uz>) тизимида амалга оширилиши белгиланган.

XIX Танлашни ўтказиш

Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. *(2022 йил 1 январгача)* Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг **бошланғич нархидан баланд ҳамда 95 фоиздан паст бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.**

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

XX Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талаблари асосида танлаш савдосини

ўтказиш 2022 йилнинг 1 январдан махсус давлат харидларининг электрон (<https://etender.uzex.uz>) тизимида амалга оширилиши белгиланган.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни узоқроқ муддатга жойлаштиришга ҳақли.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон қуйидаги ахборотларни ўз ичига олиши керак:

танлашни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошланғич нархи;

танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили;

иштирокчиларга қўйиладиган талаблар;

давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон ва (ёки) танлашда иштирок этиш учун таклиф қонунчилиққа зид бўлмаган бошқа ахборотлар ва маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Танловтаклифларини топширишнинг охириги муддатига 1 кун қолгунга қадар танловқатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритишимумкин.

XXI Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибини аниқлаш

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Комиссия танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида комиссия иштирокчидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

Комиссия танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

Танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак. (2022 йил 1 январгача)

Агар икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат

буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилади. (2022 йил 1 январгача)

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади. (2022 йил 1 январгача)

XXII Танлаш қўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади

тегишли лот бўйича танловтаклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танловтаклифлари танловҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танловтаклифларида танловҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг **бошланғич нархдан юқориёки 95 фоиздан паст** таклиф этган бўлса.

Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши иштирокчилардан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

XXIII Танлаш натижаларини расмийлаштириш

Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишни рад этган бўлса, давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши орқали харидни амалга ошириши мумкин.

ТАНЛОВ САВДО ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ АХБОРОТ

Савдо иштирокчисининг номи _____
 Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____ Манзил
 ва телефон (факс) рақами _____ Юридик мақоми
 _____ Тузилган сана (ким
 томондан, ордер ёки буйруқ берилган №) _____

Асосий фаолият тури (стат органи коди бўйича) _____

Раҳбар ва унинг ўринбосари:

| № | Ф.И.О. | Маълумоти (укув муассасаси, мутахассис-лик, диплом берилган сана ва рақами) | Курилишда иш тажрибаси (йил) | Эгаллаб турган Лавозими | Эгаллаган лавозимдаги иш тажрибаси (йил) |
|---|--------|---|------------------------------|-------------------------|--|
| | | | | | |
| | | | | | |

Асосий ходимлар (участка, бўлим бошлиқлари, прораблар, усталар, муҳандис ПТО ва бошқ):

| № | Ф.И.О. | Маълумоти (укув муасс.мутахас. диплом рақами ва санаси) | Курилиш иш тажрибаси (йил) | Участка (булим) номи, эгаллаб турган Лавозими | Эгаллаган лавозимдаги иш тажрибаси (йил) |
|---|--------|---|----------------------------|---|--|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

Доимий ишловчи ходимлар (ишчилар):

| № | Мутахассисликлар номи | Жами сони, ш.ж. мутахассислиги ва разряди бўйича | Шундан (3-устун) малакасини тасдиқловчи ҳужжати борлар | Шундан (4-устун) курилишда 10 йилдан кам булмаган иш тажрибасига эга булганлар |
|---|------------------------------|--|--|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Жумладан: | | | |
| | Шундан: | | | |
| | Бетон куювчилар _____ разряд | | | |
| | Гишт терувчилар _____ разряд | | | |
| | Том ёпувчилар _____ разряд | | | |
| | Пайвандчилар _____ разряд | | | |
| | Сантехниклар _____ разряд | | | |
| | Дурадгорлар _____ разряд | | | |
| | ва бошқалар | | | |

ОКбошлиғи _____
 (имзоваФИШ)

Танловсавдосиштирокчиси
 Раҳбаринингимзоси: _____

МУ

Тузилган сана : « ____ » _____ 20__ йил

(Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт)

2-шакл

**ТАНЛОВДА ҚЎЙИЛГАН ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ИШЛАГАНЛИГИ
БЎЙИЧА ОХИРГИ 3 ЙИЛДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИ**

(Танлов савдоси иштирокчисининг номи)

| | Объект номи, буюртмачи/бош пудратчи билан тузилган шартнома сўммаси, ишнинг бошланиши ва тугаш санаси | Буюртмачи номи | Бажарилган ишлар (Фақат бажарилган асосий иш турларини кўрсатиш зарур) | Сумма | Ш.ж. йиллар бўйича | | |
|---|--|-------------------|--|-------|--------------------|--------|---------|
| | | | | | 20__ й. | 20__ й | 20__ й. |
| 1 | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | <i>Жами:</i> | | | | | | |

Танлов савдоси иштирокчиси раҳбарининг имзоси _____

МУ

Тузилган санаси: « ____ » _____ 20__ й

Ишонч билдирилган

_____ (бош ҳисобчининг ФИШ) _____ (имзоси)

Маълумотлар ҳар бир объект иш турлари бўйича мустақил тулдирилади ва давлат кабул қилиш комиссияси далолатномалари нусхалари билан тасдиқланади.

3-шакл

ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ХОЛАТИ.
(шаклга молиявий натижалар тўғрисидаги 3 йиллик ҳисоботлар илова қилинади)

(танлов савдо иштирокчисининг номи)

| АКТИВ | 20__ й. | 20__ й | 20__ й. | ПАССИВ | 20__ й. | 20__ й | 20__ й. |
|---|---------|--------|---------|---------------------------------|---------|--------|---------|
| Узоқ муддатли активлар | | | | Ўзлик маблағлари манбаи | | | |
| Асосий воситалар | | | | Низом капитали | | | |
| Шундан ишлаб чиқариш фондлари қолдиққиймати | | | | Таксимланмаган фойда | | | |
| Капитал қуйилмалар | | | | Мажбуриятлар | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш | | | | Займлар | | | |
| Жорий активлар | | | | Кредитор қарзлар | | | |
| Айланма маблағ | | | | Шундан муддати ўтган қарзлар | | | |
| Шундан ишлаб чиқариш захиралари | | | | Шундан бюджет бўйича қарзлар | | | |
| Дебитор қарзлар | | | | Шундан иш ҳақидан қарзлар | | | |
| Шундан муддати ўтган | | | | ЖАМИ Балансининг пассиви бўйича | | | |
| ЖАМИ баланснинг активи бўйича | | | | | | | |

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

(минг. сўм ҳисобида)

| Номлари | 20__ й. | 20__ й | 20__ й. | Харажатлар | 20__ й. | 20__ й | 20__ й. |
|--|---------|--------|---------|------------------------------------|---------|--------|---------|
| 1. Реализациядан олинган тушум | | | | 8. Соф фойда | | | |
| 2. Реализациядан тушган соф тушум | | | | Шундан: - асосий фаолият бўйича | | | |
| 3. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи | | | | - Умумхўжалик фаолият бўйича | | | |
| 4. Маъмурий харажатлар | | | | 9. Асосий фаолиятдан фойда | | | |
| 5. Бошқа харажатлар | | | | 10. Умумхўжалик фаолиятдан фойда | | | |
| 6. Даромаддан солиқ тўлангунга қадар фойда | | | | 11. Зарар | | | |
| 7. Фойдадан солиқ | | | | Шундан: - асосий фаолият бўйича | | | |
| | | | | - умумхўжалик фаолият бўйича | | | |

Баланс фойдаси _____

Кейинги уч йилда банкротлик ёки тўловга қобилиятсизлик юзасидан судлашиш ишлари олиб борилганми _____

Раҳбар _____
(имзо)

Бош ҳисобчи _____
(имзо)

М.У.

Сана: «__» _____ 20__ й.

ИЗОҲ: Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати бўйича охириги уч йилдаги маълумотлари (баланс ҳисоботлари нусхаси) тегишли солиқ идоралари ёки аудитор компаниялари томонидан тасдиқланган

(танлов савдоси иштирокчиси)
корхонасининг молиявий ҳолати ҳақида

МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 05 майдаги “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 3240-сонли фармонида мувофиқ танлов савдоси иштирокчиси танлов савдолари ўтказилаётган даврда ўзининг молияловчи банки тамонидан тасдиқланган-айланма маблағлари мавжудлиги ҳақидаги маълумотномани белгиланган тартибда расмийлаштирилган холда тақдим этиши керак.

_____ танлов савдоларида қўйилган танлов предметининг қийматига нисбатан 20% дан зиёд айланма маблағларга эга бўлганлиги муносабати билан _____ томонидан танлов савдоси иштирокчисига унинг молиявий _____ ҳолати _____ ҳақидаги _____ мазкур _____ маълумотнома

_____ объекти бўйича танлов савдоларида иштирок этиши учун тақдим этилади.
“__” _____ 2022 й. Ҳолатига тақдим этилган балансга кўра қуйидаги молиявий кўрсаткичлар қайд этилди:

| Баланс бўйича кўрсаткичлар: | 2022 йил “__” _____ ҳолатига |
|---------------------------------------|------------------------------|
| ЖАМИ мулк | |
| Узоқ муддатли активлар | |
| ш.ж: Асосий воситалар (қолдиқ қиймат) | |
| Номоддий активлар (қолдиқ қиймат) | |
| Айланма маблағлар | |
| ш.ж: Ишлаб чиқариш захиралари | |
| Дебитор қарзлар-жами | |
| Пул маблағлари-жами | |
| Ўз маблағлари | |
| ш.ж: Устав капитали | |
| Қўшилган капитал | |
| Резерв капитал | |
| Тақсимланмаган фойда | |

2022 йил “__” _____ ҳолатига картотека-2 бўйича қарздорлик мавжуд эмас. Ташкилотнинг асосий ҳисоб рақамида қолдиқ маблағ _____ сўмни ташкил қилади.

Корхонага 12 ой (намуна 01.01.2021 й дан 01.01.2022 й гача) ташкилотнинг асосий ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари _____ сўмни ташкил қилиб, ўртача ойлик тушум _____ сўмни ташкил қилди. Юқорида келтирилган маълумотлар шуни курсатадики, _____ корхонаси _____ минг.сўм миқдорда айланма маблағларга эга бўлиб, миқдор объект бошланғич нархининг 20% дан анча юқоридир.

Юқорида номи келтирилган объект бўйича кредитни расмийлаштириш зарурати туғилганда, _____ Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда кредит бериш учун етарли миқдорда ресурс ва имкониятга эгадир.

Банк бошқарувчиси: _____
(Исми фамилияси, имзо муҳр)

Бош ҳисобчи: _____
(Исми фамилияси, имзо муҳр)

ЭСЛАТМА: МАЗКУР МАЪЛУМОТНОМА БАНК РАХБАРЛАРИННГ ИМЗО МУХРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНИБ, РУЙХАТГА ОЛИНГАН ХОЛДА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ШАРТ.

5-шакл

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН ПУДРАТЧИНИНГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР РЎЙХАТИ

| Т/р | Номи | Русуми | Микдори | Ишлаб чиқарилган йили | Куввати | Техник ҳолати | Балансда/Ижара |
|-----|------|--------|---------|-----------------------------|---------|------------------|----------------|
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

Танлов савдоси иштирокчиси раҳбарининг имзоси _____

МУ

Тузилган санаси: «__» _____ 20__ й

(Ижарага олинган бўлса шартнома нусхаси ҳамда техник паспортлар нусхаси илова қилинади)

(буюртмачининг номи)
ЛОЙИХАНИ БАЖАРИШ УЧУН
Б У Ю Р Т М А

(объект номи)

1. Биз, қўйида имзо чекувчилар, юқорида айтилган ишларни бажариш майдончасини кўздан кечириб, умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат танлов хужжатларини ўрганиб, юқорида кўрсатилган хужжатларга мувофиқ: **ҚҚС билан – (сўз билан) сўм.**
ҚҚС сиз– (сўз билан) сўмга айтилган барча ишларни бажариш ва яқунлашни ҳамда улардаги топилган камчиликларни бартараф этишни таклиф этамиз.
2. Бизнинг таклифимиз қабул қилинган холда, буюртмачидан ишга киришиш ҳақидаги ёзма Хабарномани олганимиздан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни бажаришга киришиш ва ишларни бажаришни бошланишидан эътиборан _____ кун мобайнида уларни яқунлаш мажбуриятини оламиз.
3. Бизнинг таклифимиз танлов таклифлари очилган кундан бошлаб 0 календарь кун мобайнида амал килади.
4. Шартнома тузилгунга қадар мазкур танлов таклифи унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома билан бирга орамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.
5. Таклиф қабул қилинганлиги тўғрисидаги биз олган Хабарнома, бизни Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурият юклашини ва биз уни ижросини таъминлашимизни тасдиқлаймиз.
6. Буюртмачи ва танлов комиссияси тақдим этилган таклифлардан энг кичик нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдирамиз.
7. Танлов иштирокчиларига жўнатилган № _____ сонли хабарномалар биз томондан ҳисобга олинган.
8. Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни танлов комиссиясини мажлислар баённомалари билан тасдиқланган ва келгусида ўзгартирилмайдиган шартномавий баҳоларда амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

**ИЛОВАНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ
ШАҲС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН
ТАСДИҚЛАНАДИ**

ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИНING УМУМИЙ ГРАФИГИ

| Т-б № | Ишлар номланиши | Ишларни бошлаш санаси | Ишларни тугатиш санаси |
|----------|-----------------|--------------------------|------------------------------|
| 1. | | | |
| | | | |

Изох: Қурилишнинг умумий графигида ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда) ва уларни бажариши муддатлари кўрсатилади. Қурилишнинг умумий графиги пудратчининг ишларни ва маълум участкаларни белгиланган муддатда яқунлаш ва қурилаётган объектда хавфсиз ва узлуксиз ишлар олиб бориши мажбуриятига таъсир кўрсатмаслиги керак.

**ИЛОВАНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ
ШАҲС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН
ТАСДИҚЛАНАДИ**

ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИНING МОЛИЯЛАШТИРИШ УМУМИЙ ГРАФИГИ

аванс тўлаш ва жорий молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолда

| Молиялаштириш шартлари | Қурилиш йиллари 2022-йил | | | | | | | | | | | | |
|---|--------------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|--|
| | Қурилиш ойлари | | | | | | | | | | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | |
| 30 % хажмдаги аванс (2 ойга тенг улушларда) | | | | | | | | | | | | | |
| 65% хажмда жорий молиялаштириш | | | | | | | | | | | | | |
| 5 % –фойдаланишнинг кафолатли муддати тугагандан сўнг берилади | | | | | | | | | | | | | |

**ИЛОВАНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ
ШАХС ТОМОНIDАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН
ТАСДИҚЛАНАДИ**

ИНШООТ УЧУН САРХИСОБ ЖАДВАЛИ

(иншоот номи)

(оферент номи)

| № | Наименование затрат | Таклифимиз жорий нархларда қиймати минг.сўм |
|---|--|---|
| 1 | Затраты на строительные материалы и конструкции | |
| 2 | Оборудование | |
| 3 | Затраты на эксплуатацию машин | |
| 4 | Затраты на основные зарплаты | |
| | Итого: | |
| | Прочие затраты и расходы подрядчика | |
| | Страхование объекта 0,32% | |
| | Итого стоимость строительства текущих ценах без НДС | |
| | НДС 15% | |
| | ИТОГО стоимость СМР | |

Ишлаб чиқилган физик иш ҳажмлари ведомостлари илова қилиниши шарт.

Изоҳ: Талабгор томонидан ишлар ҳажми ведомостлари ишлаб чиқилиб юқоридаги жаadwalнинг 25 % меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ставкаси билан биргаликдаги сўммаси буюртмачининг бошлангич нархидан юқори бўлса талабгорнинг таклифи кўриб чиқилмасдан рад этилади.

Корхона раҳбари: _____ мухр урни

**ИЛОВАНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ
ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН
ТАСДИҚЛАНАДИ**

Таклифларини техник ҳамда молиявий қисмини баҳолаш мезонлари

| № | Қуйилмаларни баҳолаш параметрининг номи. | Баллар миқдори |
|------------|---|----------------|
| I. | Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (1-шакл). | 15 |
| 1 | Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) | 4 |
| 2 | Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга муҳандис-қурувчилар (участка бошликлари, мастерлар) нинг 2 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) | 3 |
| 3 | Домимий равишда ишловчи 15 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги | 5 |
| 4 | Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги | 3 |
| II | Ўхшаш объектларда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар (2-шакл). | 20 |
| 1 | Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига (Буюртмачи бошланғич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) | 5-15 |
| 2 | Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш | 5 |
| III | Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (3-шакл). | 20 |
| 1 | Талабгорнинг молиявий ҳолати (шаклга молиявий натижалар тўғрисидаги 3 йиллик ҳисоботлар илова қилинади) | 12 |
| 2 | Давлат солиқ идорасидан иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ҳамда муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаса (солиштирма далолатнома асл нусхаси (муддати бир ойдан ошмаслиги лозим)) | 8 |
| IV | Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 20% гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (Хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади) (4 шакл). | 10 |
| V | машина ва механизмлари мавжудлиги (5 шакл). | 15 |
| 1 | Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган корхона ҳисобида (ёки лизинг асосида олинган) 3 тадан 5 тагача Қурилиш машиналари ва механизмларининг мавжудлиги. (Ижарага олинган бўлса баллар миқдори 50%га камайтирилади) | 5-10 |
| 2 | Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган 15 тадан кам бўлмаган кичик механизмларнинг мавжудлиги. | 5 |
| VI | Нархга оид таклиф (6 шакл). | 20 |
| VII | Жами | 100 |